

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАБДУЛҲАКОВА РАСИМА ФАРИДОВНА

РУС ТИЛИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy
(PhD) on pedagogical sciences**

Габдулхакова Расима Фаридовна

Рус тили ўргатиш жараёнида умумтаълим мактаблари юқори синф
ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш 3

Габдулхакова Расима Фаридовна

Развитие коммуникативной компетенции старшеклассников
общеобразовательной школы при обучении русскому языку 27

Gabdulhakova Rasima Faridovna

Developing communicative competence of high school students of secondary
school in teaching Russian language. 41

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 55

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАБДУЛҲАКОВА РАСИМА ФАРИДОВНА

РУС ТИЛИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.PhD/Ped 952 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилларда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Лайлохон Толибжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Асилова Гулшан Асадовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Сайдалиев Саидумар Сайдалиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 31 март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44; факс: (998) 69-227-01-44; e-mail: info@namdu.uz)


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (710 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Диссертация автореферати 2022 йил 16 март куни тарқатилди.
(2022 йил 16 мартда 17- рақамли реестр баённомаси).


Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор


Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида иккинчи тилга ўргатиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. ЮНЕСКОнинг Таълим 2030 концепцияси инсонлар ҳаётидаги ривожланишларни таълим-тарбия орқали амалга оширувчи куч сифатида тан олади. Таълим сифатини баҳолаш, ўқув воситаларини такомиллаштириш ва кафолатланган натижаларга эришиш имконини берадиган технологияларни амалиётга жорий этиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Сўнгги йилларда нафақат икки тил соҳиблари – билинговларни, балки бир неча тилларда сўзлашувчиларни – полиглотларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан жамият ҳаётида «тил соҳиб» ва «иккиламчи тил соҳиб» каби тушунча ва атамалар қўлланила бошланди. Тилларни ўргатиш методикасида илғор ёндашувлар, педагогик ва ахборот технологиялари кенг миқёсда қўлланилмоқда. Улардан энг муҳими *компетенцияга асосланган ёндашув* ҳисобланмоқда.

Дунёда юқори синф ўқувчиларининг рус тилини ўрганиши жараёнида уларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш масаласи қатор тадқиқотларда ёритилган. Бу тадқиқотларда рус тилини ўргатишда коммуникатив ёндашувнинг аҳамияти қайд этилган бўлиб, иккиламчи тил соҳибини тарбиялаш устуворлиги белгилаб берилган. Шу билан бир қаторда бир неча тилларни билишга бўлган талаб кишиларнинг ўзаро тушунишга томон интилиши ва интеграция шароитида ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг кучайиши билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, етакчи олий ўқув юртлари ва тадқиқот марказларида чет тилни она тили даражасида ўргатиш кераклиги тан олинмоқда. Ушбу хулосалар тил ўргатишнинг мақсади, мазмуни, воситалари, методлари, усуллари ва технологияларини қайта кўриб чиқиш заруратини туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган Концепциясида «...узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим жараёнини индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич амалга ошириш; халқ таълими соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш...»¹ вазифалари белгиланган бўлиб, улар энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Методик адабиётлар, дастурлар, дарсликларни ўрганиш ва Республикамизда рус тилини ўқитиш амалиётининг ҳолати таҳлили ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш масалалари ва кониқарсиз ўқитиш натижалари ўртасидаги муаммоларни аниқлаш имконини берди. Мактаб шароитида назарий ишлаб чиқилган методларнинг етарли даражада қўлланилмаётганлиги кузатилмоқда. Шунингдек, кишиларнинг коммуникатив компетенцияни амалий эгаллашга бўлган эҳтиёжи ва ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.04.2019 йилдаги ПФ-5712-сон

малакаларни ривожлантириш технологияси ўртасида зиддиятлар мавжуд. Шу масалаларни назарий ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилиш тадқиқотимиз олдига қўйган асосий мақсад ҳисобланади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача халқ таълими тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида чет тилларини ўрганишни оммалаштириш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар тараққиётининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Сўнгги йилларда методика фанининг муҳим ютуғи сифатида коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишда иштирок этган турли мамлакатлар мутахассисларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизда рус ва чет тилларни ўқитишнинг концептуал масалалари В.И.Андрянова, Л.Т.Ахмедова, Н.Н.Азизхўжаева, Г.Х.Бакиева, Ж.Ж.Жалолов, Д.Р.Жуманова, Г.Т.Махкамова, Т.К.Сатторов, Д.У.Хошимова ва бошқа тадқиқотчилар илмий изланишларида ёритилган. Тилларни ўқитишда коммуникатив компетенциянинг ривожлантирилиши сўнгги йилларда Ўзбекистон олимларидан Н.П.Бабаниязова, С.Х.Абдуллаева, Г.Ш.Тожибоев, Х.А.Юлбарсова, Д.Р.Абдуганиева, С.А.Зияева ва бошқалар тадқиқотларида ўрганилган.

Рус тилини ўқитишнинг илмий-назарий асослари МДХнинг қуйидаги олимлари томонидан ишлаб чиқилган: Н.М.Шанский, А.А.Леонтьев, В.Г.Костомаров, А.Н.Щукин, И.А.Зимняя, Е.И.Пассов, Г.И.Городилова, Е.М.Верещагин, Г.И.Китайгородская, О.Д.Митрофанова, М.Н.Вятютнев, Н.З.Бакеева ва бошқалар.

Таниқли хорижий олимлар Jean W.Piaget, Avram N.Chomsky, D.Hymes, A.Maslow, K.Rogers ва бошқалар томонидан чет тилларни ўқитишда коммуникатив ёндашув билан боғлиқ масалалар ўрганиб чиқилган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 561624-ЕРР «ИМЕР: Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги таълим ва жараёнларни халқаролаштириш ва модернизация қилиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – рус тили ўргатиш жараёнида умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Юқори синф ўқувчиларининг рус тилидаги коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг асосларини педагогик, психологик ва методик адабиётларда ёритилишини танқидий ўрганиш;

ўқув дастурлари ва дарсликларда рус тилини ўқитишнинг мақсад ва мазмунини коммуникатив компетенцияни ривожлантириш нуктаи назаридан таҳлил қилиш ва умумтаълим ўрта мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетенцияси ривожланиш даражасининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

рус ва ўзбек тилларини лингводидактик ва коммуникатив нуктаи назардан қиёслаш;

юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш технологияси учун модель, топшириқлар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини тажрибада синаб кўриш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида рус тили ўргатиш жараёнида умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш жараёни танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни, воситалари, технологиялари, ёндашувлари, ўқитиш метод ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, ижтимоий-педагогик тажриба-синов эксперт баҳолаш, асословчи, таълимий ва яқунловчи эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

рус тили машғулотларида ўқувчиларнинг вербал ҳамда новербал мулоқот қилиш жараёнида лингвистик, фонетик, лексик, орфографик ва коммуникативликга йўналтирилган машқларни бажариш асосида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг динамикли жиҳати педагогик ҳамда психологик интегративлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

давлат таълим стандартида белгиланган коммуникатив компетентликнинг субкомпонентлари лингвистик компетенция, нутқ компетенцияси, дискуссив компетенция, прагматик компетенция, ижтимоий маданий компетенция, стратегик компетенцияларнинг интенсивлиги асосида умумий ўрта таълим юқори синф ўқувчиларини коммуникатив

компетенцияларини ривожлантиришнинг шахсга йўналтирилган ва когнитив ёндашувларга асосланган функционал модели такомиллаштирилган;

юқори синф ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда рус ва ўзбек тилларини лингводидактик ва коммуникатив нуқтаи назардан қиёслаш асосида транспозиция ва интерференция ходисаларининг содир бўлиш ҳолларини аниқлаш усулларига устуворлик бериш асосида лингводидактик ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмларини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда компетенциявий, акмеологик ва шахсга йўналтирилган замонавий педагогик ёндашувлар ҳамда «Мулоқот завқи», «Нобел мукофоти совриндорлари», «Интонациялар», «Сухбат» каби усул ва технологиялардан фойдаланишга қаратилган таълим сифатини таъминлаш механизмини татбиқ этиш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

рус тилида мулоқот қилиш жараёнида ўқувчиларнинг лингвистик, фонетик, лексик, орфографик ва коммуникатив йўналтирилган машқларни бажариш ва мулоқот жараёнида коммуникатив компетенцияни ривожлантириш шароитларини оптималлаштиришга хизмат қиладиган муаллифлик технологияси ишлаб чиқилди;

«Рус тили дарсларида интерактив ўйинлар, чигалёзди ва машқлар» ҳамда «Юқори синф ўқувчиларининг рус тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантириш» номли ўқув қўлланмалари нашр этилди;

умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг рус тилидаги коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг функционал модели амалиётга жорий этилди;

Интернет ва телевидение орқали ўзбекзабон юқори синф ўқитувчилари ва ўқувчиларига мўлжалланган онлайн-дарслар тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган муаммога илмий-педагогик нуқтаи назардан ёндашиш; хорижий ва маҳаллий олимларнинг чет ва рус тилларини ўргатиш соҳасида тўпланган тажрибасига таяниш; таълим вазифаларига мос методларни қўллаш; илмий журналларда чоп этилган мақолаларда ҳамда халқаро ва республика конференцияларидаги маърузаларда тадқиқот мазмунини ёритилиши билан таъминланди. Тажрибасинов ишларининг ишончлилиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишланганлиги билан ҳам тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумтаълим мактабларининг юқори синфларида рус тилини ўқитишда лингводидактик асосларни аниқлаш; таълим воситалари, методлари ва технологияларининг мазмунини таҳлил қилиш ва комплекс ёндашувни қўллаш натижасида синфларда ижодий иш муҳитини яратиш бўйича кўрсатма ва таклифларни илмий асослаш билан белгиланди.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ушбу диссертацияда таклиф қилинган муаллифлик технологиялар ва яратилган функционал модел, уларни қўллаш бўйича методик тавсиялар ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини янада самарали ривожлантириш мақсадида қўлланилиши; Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда ўқувчилар учун иш дафтарларини юритишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рус тили ўргатиш жараёнида умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш мавзуси давомида олинган илмий натижалар асосида:

илмий-методик адабиётларни ўрганиш асосида юқори синф ўқувчиларининг рус тилидаги коммуникатив компетенциясини ривожлантириш технологияларини умумпедагогик талаблар билан назарий асослаш ва амалий ишлаб чиқиш зарурати аниқланган ва ўқув дастурлари ва дарсликларда рус тилини ўқитиш мақсади ва мазмунини коммуникатив компетентликни ривожлантириб боришда интерфаол технологияларни қўллашга қаратилган ўқувчиларнинг рус тилидаги коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари мазмунли-компонентли оптималлаштириш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан юқори синф ўқувчилари учун «Рус тили» фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4176-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг коммуникатив компетентиясини ривожлантириш жараёнида муаллимларнинг замонавий ёндашув имкониятлари кенгайтирилди;

коммуникация жараёнида рус ва ўзбек тилларини лингводидактик ва коммуникатив нуқтаи назардан қиёслаш асосида ижобий кўчиш ва салбий таъсир ҳодисаларининг содир бўлиш ҳолларини башорат қилиш имкониятларини аниқлашга оид амалий таклифларидан Ўзбекистон телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарриятининг «Болалар учун», «Таълим ва тараққиёт», «Миллат ва маънавият» номли эшиттиришлар сценарийсида фойдаланилган ва эфирга узатилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 июлдаги 04-25-1183-сон маълумотномаси). Натижада илмий асосланган ва амалий ишлаб чиқилган коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш моделининг қўлланиш аудиторияси кенгайтирилди;

юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда компетенциявий, акмеологик ва шахсга йўналтирилган замонавий педагогик ёндашувлар ҳамда «Мулоқот завқи», «Нобел мукофоти совриндорлари», «Интонациялар», «Сухбат» каби усул ва технологиялардан фойдаланишга қаратилган таълим самарадорлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқишга доир таклиф ва тавсияларидан муаллиф томонидан тайёрланган ўзбекзабон умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга

мўлжалланган «Мулоқот завқи» номли технологияси тайёрланган (Россия халқлар дўстлиги университетининг 2021 йил 28 апрелдаги 35/28-21-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда технологиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, 1 та дарслик, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 126 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, изланиш натижаларининг амалиётга жорий этилиши бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган илмий ишлар рўйхати ва диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Юқори синф ўқувчиларини коммуникатив компетенциясини ривожлантиришининг лингводидактик асослари»** номли биринчи бобида ўрта мактаб ўқувчилари коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-методик адабиётларда ёритилиши баён этилган. Коммуникатив компетентликка асосланган ёндашувни жорий этиш жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш деб кўрилган ва шу нуқтаи назардан рус тилини ўргатиш жараёнининг асосий таркибий қисмлари, тамойиллари, кўрсаткичлари ва амалий ҳолати таҳлил қилинган. Асосий мақсаднинг талқинлари ва уларнинг амалдаги ўқув дастурлари ва дарсликларда келтирилган рус тилини ўқитиш мазмунига мувофиқлиги таққосланган. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 10-11 синфлари рус тили дарсликлари, улар таркибидаги машқ ва вазифаларнинг Давлат таълим стандартларида белгиланган малака талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинган. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга йуналтирилган фаолиятнинг жорий

ҳолати кўрсаткичлари баён қилинган. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти таркибига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришга бўлган саъй-ҳаракати рус тили даражасининг ўзгаришига олиб келди. У фуқаролар ва жамият ўртасидаги муносабатларда реал эҳтиёжга айланди.

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш омилларининг ўзгариши инсоннинг жамиятдаги ролини кучайиши, жамиятнинг глобаллашуви, демократизацияланиши ва инсонпарварлаштирилиши, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатига қўйилган талабларнинг ўсиши билан узвий боғлиқ.

Методика фанида «коммуникативлик», «компетентлилик», «компетенция» атамалари турли талқинларда қўлланилади. Мутахассислар «компетентлилик» тушунчасининг истифода этилишини америкалик тилшунос олим Н.Хомский номи билан боғлайдилар. Унинг ғоялари компетенциявий ёндашув таълимига асос бўлди. Н.Хомский тарафдорлари ушбу атама орқали «тил қобилияти» маъносини англайдилар. Жумладан, рус олимаси М.Е.Куприянова: «Илк бор «компетенция» тушунчаси Ноэм Хомский томонидан «performance» тушунчасига қарама-қарши тушунча сифатида киритилган. Тил компетентлиги – бу одамнинг илгари эшитмаган оғзаки матнларни қўшган ҳолда, оғзаки матнларни яратиш ва тушуниш когнитив қобилиятидир. Компетенция инсоннинг грамматик қоидаларни билишини назарда тутиб тил фаолиятидан фарқ қилади»², деб ёзади.

Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактабларда рус тилини ўқитиш курсининг амалий йўналишига Н.М.Шанский асос солган. У рус тилини она тили бўлмаган тил сифатида ўқитиш методикасида янги «тилни эгаллаш» масаласини кўтарган. Натижада мутахассислар «тилни билиш» ва «тилни эгаллаш» тушунчаларини фарқлай бошладилар.

Профессор Л.Т.Ахмедова³ рус тилини ўқитиш жараёнида компетенциявий ёндашувдан фойдаланиш самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган компетенцияларни шакллантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш йўллари белгилаб берди.

Рус тили ўқув дастурларида асосий мақсад тилни пухта эгаллаш деб белгиланганлигига қарамай, рус тилини ўқитишда грамматика-таржима методи ўз мавқеини сақлаб қолмоқда. Бундай ёндашув, таълим мазмуни ва ўқитиш усуллари дастлаб рус тилини она тили сифатида ўқитиш методикаси билан бир хил бўлганлиги ва тилни ўрганиш жараёнининг асосий вазифаси тил назарияси бўйича билимларни шакллантиришга қаратилганлиги билан боғлиқ.

² Куприянова М.Е. К вопросу о компетентностном подходе в преподавании английского языка: традиции и современное состояние // Педагогический журнал. 2018. Т. 8. № 5А. с. 431

³ Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов). Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора педагогических наук. Ташкент, 2012 г.

Тил таълими соҳасида инновацион ёндашувларни жорий этишнинг назарий асосланиши ва тилни ўқитиш амалиёти ўртасидаги мавжуд фарқ якуний натижага салбий таъсир кўрсатмоқда. Назарий қоидаларни сезиларли даражада ўзлаштирган мактаб ўқувчилари нутқий кўникма ва малакаларни етарли даражада эгаллай олмайдилар.

Сўнгги йиллардаги ўқув дастурларида «ўқувчиларга рус тилида олинган маълумотларни идрок этишга, воқеаларга ўз муносабатларини билдиришга, ўз фикрларини рус тилида омма олдида ифода этишга ўргатиш»⁴ ибораси пайдо бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқувчилар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда замонавий методиканинг долзарб вазифалари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз: рус тилини ўқитишнинг асосий мақсади сифатида рус тилида эркин мулоқот қила оладиган тил соҳибини тайёрлаш; бажарилаётган машқлар таркибига ўқувчиларнинг ташаббускорлиги элементларини киритиш; «мулоқотдан тилга» ёки «тилдан мулоқотга» масаласи бўйича аниқ позицияни эгаллаш.

Тилни ўргатишда шуни назарда тутиш керакки, тилга ўргатиш бу нутқ фаолиятида мулоқотга ўргатишдир. Ушбу ёндашувда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, ўқитувчилар ўз фаолиятларини ўқувчиларни рус тилида мустақил ва эркин мулоқот қилишларига имконият яратувчи метод ва технологияларни қўллашни асосий вазифа қилиб қўйишлари мақсадга мувофиқ. Бундай фаолият ўқувчиларда ўрганилаётган тилда мулоқот қилиш истагини уйғотиши ва бу мулоқот ўқувчиларга қувонч олиб келиши зарур.

«Умумтаълим мактаб ўқувчиларига рус тили ўргатишда коммуникатив компетентлилик ва унинг компонентлари» деб номланган иккинчи бобда «коммуникатив компетентлилик» атамаси ва унинг таркибий субкомпонентларига таъриф берилган, «компетентлилик» ва «компетенция» атамаларининг маъносига аниқлик киритилган. Худди шу бобда методика фанининг рус тилини ўқитиш жараёнига замонавий ёндашувларининг ўзига хос хусусияти аниқланган, «тил соҳибини» ва «иккиламчи тил соҳибини» атамаларининг маъноси очиқ берилган, коммуникатив аспектда рус ва ўзбек тилларини лингводидактик қиёслаш амалга оширилган.

Тилни ўқитиш методикасида «компетенция» атамаси ўрганишнинг асосий мақсади ва ундан келиб чиқадиган ўқув вазифаларни аниқлашда қўлланилади. Ушбу кўпмаъноли сўз, асосан, ўқувчи томонидан етарли даражада эгалланган бир қатор билим, кўникма ва малакаларни мулоқот вазиятлари доирасида қўллаш тажрибасини англатади.

Коммуникатив компетенция – ўрганилаётган тилни билишнинг асосий кўрсаткичидир. Компетентлик сифати ва унинг таркибий субкомпонентлари Европа Иттифоқи, Россия Федерацияси ва мамлакатимизда қабул қилинган тилларни билиш даражаси талабларида белгиланади.

⁴ Проект национальной программы общего среднего образования по русскому языку. – Ташкент, 2020. – с.10

Амалдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, замонавий дарсликлар ва методикага оид ўқув қўлланмаларида мутахассислар компетентлиликни қуйидаги субкомпонентларни ажратиб кўрсатмоқдалар:



1-расм. Коммуникатив компетентлилик субкомпонентлари

Лингвистик компетенция, Э.Г.Азимов ва А.Н.Щукин таърифлаганидек, «ўрганилаётган тил тизими сатҳлари доирасида: фонематик, морфемик, лексик, синтактик жиҳатдан тил ҳақидаги маълумотлар тизимига эгалик қилишдир»⁵.

Коммуникатив компетенциянинг таркибига кирувчи *нутқий компетенция* «...нутқ ҳаракатини ташкил этиш ва амалга ошириш (коммуникатив истакни амалга ошириш) имконини таъминловчи тил воситасида фикрларни шакллантиришни ва ифода этиш усулларини билишни тақозо этиб, шу усуллардан бошқалар фикрини тушунишда фойдаланиш, ўз фикрини турли вазиятларда оғзаки ва ёзма тарзда ифодалашни билдиради»⁶.

⁵ Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – с.362

⁶ Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: учеб. пособие для вузов / А.Н. Щукин. – М.: Высш. шк., 2003. – с.143

Дискурсив компетенция «ўқувчининг турли стратегияларни матн тузишда ва уни ўзгартиришда қўллаш қобилияти сифатида»⁷ кўрилади.

Прагматик компетенция «билимлар мажмуасини, ибораларни тузиш қоидаларини билиб, уларни матнга (дискурсга) бирлаштиришни, чет тилда коммуникантларнинг хислатларига мос равишда тузишни коммуникатив функцияларда фойдаланиш қобилиятини»⁸ қамраб олади.

Ижтимоий-маданий компетенция ўрганилаётган тил мамлакати ҳақида маълумотлар мажмуаси сифатида тақдим этилади. Ижтимоий-маданий компетенция маънавий кадриятларни, халқ анъаналарини, менталитет кўрсаткичларини ҳисобга олишни ўз ичига олади. Унинг шакилланиши мутахассислар томонидан «ижтимоий-маданий мослашув шахсининг янги маданиятга интеграцияси»⁹ сифатида талқин қилинади.

Стратегик компетенцияни Э.Г.Азимов ва А.Н.Щукин «тилни билишдаги ва чет тилидаги мулоқотда нутқий ва иштимой тажрибадаги камчиликларни тўлдириш қобилияти»¹⁰ сифатида белгилайдилар.

Тил соҳиби атамаси тил ўқитишнинг якуний натижаси билан ўзаро боғлиқдир. Бу «борликни (дунёнинг манзарасини) ифодалаш учун ўзи тузган матнлар орқали таҳлил қилинувчи у ёки бу тил эгасидир»¹¹. Ушбу атама дастлаб В.В.Виноградов томонидан тақлиф қилинган. Ю.Н.Карауловнинг «Русский язык и языковая личность» китоби нашр этилгандан сўнг, у қўлланишда аниқликка эга бўлди. Кейинчалик тил ўрганувчиларнинг тилга бўлган муносабатини ҳисобга олган ҳолда «тил соҳиби» атамаси янги маъно билан бойитилди. Чет тилларни ўқитиш бўйича мутахассислар унинг вариантини – «иккиламчи тил соҳиби» атамасини қўллайдилар. Ушбу атама биз томонимиздан ўзбекзабон мактабларида рус тилини ўқитиш жараёнининг якуний натижаси маъносида истифода қилинади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув ўқувчи шахсининг ривожланиши вазифасини алоҳида таъкидлайди. Тил ўқитувчиси фаолияти ҳар бир ўқувчининг шахсий тил тажрибасини рўёбга чиқариш ва уни таълим мазмуни билан уйғунлаштиришдир. Ўқитишнинг мазмуни ва қўлланиладиган методлар ўқувчилар нутқини ривожлантириш кўрсаткичларига мос келиши керак. Дарсда ҳар бир ўқувчида таълим жараёнининг муҳим иштирокчиси бўлиш имконияти пайдо бўлади.

Сўнгги йилларда коммуникатив таълимнинг амалий мақсадларига мос келувчи *коммуникатив грамматика, коммуникатив лексика, коммуникатив фонетика атамалари* қўлланилмоқда. Бу ёндашув тил материалини анъанавий қўринишда эмас, балки ўқув дастури томонидан унинг

⁷ Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: учеб. пособие для вузов / А.Н. Щукин. – М.: Высш. шк., 2003. – с.146

⁸ Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – с.208

⁹ Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – с.286

¹⁰ Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – с.295

¹¹ Иванцова Е.В. О термине «языковая личность»: истоки, проблемы, перспективы использования. Вестник Томского государственного университета, 2010. Филология №4 (12). – с.26

коммуникатив кўникма ва малакаларни шакиллантиришда зарурлигини ҳисобга олган ҳолда тақдим қилинишини назарда тутлади.

Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзишдан иборат *нутқ фаолияти* турлари таълим мазмунининг етакчи қисмидир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, у инсон фаолиятининг бошқа турлари таркибида етакчи ўринни эгаллайди.

Анъанавий таълимда ўқувчиларни тайёр матнлар билан ишлашга ўргатилган. Коммуникатив ёндашувда матн яратишга эҳтиёж туғилади. Бунга мос келадиган «*текстоцентризм*» атамаси ўқувчиларни оғзаки ва ёзма баёноتلарни яратишга ўргатишни ифодалайди.

Рус тилини ўқитишда ушбу тилнинг таркибий элементларини ўқувчиларнинг она тилида ўхшаш элементлари билан қиёслаш қабул қилинган. Бундай ишлар ўрганилаётган тилнинг грамматик материални ўзлаштиришга ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади. Рус тилини коммуникатив мақсадларда ўргатиш тилларни қиёслашда методик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади. Бунда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув қаби нутқ фаолияти турларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Тиллар ўртасидаги ўрганилаётган тил элементларини ўзлаштиришга салбий таъсир қилувчи фарқлар *интерференция* деб аталади. Интерференция бу «тўсиқлик», «салбий таъсир», демакдир. Ўқувчилар томонидан она тилини ўрганиш жараёнида орттирилган тажриба интерференциянинг асосий сабабидир. Масалан, Ў товуши она тилида йуқлиги сабабли ўзбек мактаблари ўқувчилари таркибида Ў товуши бор сўзларни талаффуз қилишда қийналадилар (мЫло – мИло, мЫшка - мИшка). Улар, шунингдек, таркибида юмшоқ ундошлар бор сўзларни талаффуз қилишда ҳам қийналадилар (читатЬ – читат, привет, июнь, июль, пальто). Она тилида олинган лингвистик билимларнинг ижобий таъсири ҳолатлари *транспозиция* «ижобий кўчириш» деб аталади. Ижобий кўчириш она тилининг таркиби ўрганилаётган тил таркиби билан бир бирига мос бўлган ҳолларда кўпроқ имкониятга эга. Икки тил тизимининг кўрсаткичларини қиёслаш масаласини дастлаб профессор Е.Д.Поливанов батафсил ўрганган. Унинг ортидан бир қатор олимлар рус ва ўзбек тиллар тизимини қиёслаш билан шуғуллана бошладилар, аммо тадқиқотлар асосан лингвоцентриқ нуқтаи назарда олиб борилган эди.

Икки тил тизимини қиёслашни тил материални мулоқот жараёнида қўллаш малакасини шакллантириш нуқтаи назардан олиб боришини таклиф этилди. Ушбу ёндашув коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда юқори натижаларга эришиш имконини беради. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб олиш керак: она тили ва ўрганилаётган тиллар нима мақсадда қиёсланади; дарсларда она тили ва рус тилларининг тузилмаларини қиёслаш қандай жойни эгаллаши керак; рус тилида ўқувчилар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда лингвистик фактларни қиёслашнинг

роли қандай? Ушбу саволларга диссертация матнида батафсил жавоб берилган.

Тадқиқотнинг «Таклиф қилинган «Мулоқот завқи» номли муаллифлик технологиясининг самарадорлигини тажриба-синовдан ўтказиш» деб номланган учинчи бобида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг функционал модели таркибига кирувчи машқ, топшириқ, чигалёзди, ўйинлар таърифланган. Машқ турларининг таснифи берилган. Муаллифлик «Мулоқот завқи» технологиясининг асосий тамойиллари ва умумтаълим мактабларида ўтказилган экспериментал машғулотлар жараёнида унинг самарадорлигини текшириш натижалари баён этилган.

Коммуникатив компетенцияни ривожлантириш учун нутқий муносабатларни ўз ичига олган коммуникатив йўналтирилган машқлардан фойдаланилди. Уларни анъанавий машқлардан фарқлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Анъанавий ва коммуникатив машқларни таққослаш

Анъанавий машқлар	Коммуникатив йўналтирилган машқлар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Лингвистик 2. Тайёрловчи 3. Трансформацион 4. Таржима 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муайян вазият билан боғлиқ нутқий
Машқ компонентлари ва топшириқларни тақдим этиш усули	
<ol style="list-style-type: none"> 1. Кўрсатма (нимани бажариш керак?) 2. Намуна (қандай бажариш керак?) 3. Машқ учун берилган тил материали 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Коммуникатив кўрсатмалар (айтиб бер, таърифла, баҳола, хабар бер ва ҳ.к.) 2. Таянч намуна

Таклиф қилаётган коммуникатив йўналтирилган машқлар асосини нутқнинг функционал турлари билан боғлиқ бўлган нутқий кўрсатмалар ташкил этади. Нутқий кўрсатмалар «айтиб бер» (нутқ тури – баён), «таърифла, тафсилотларни санаб ўт» (нутқ тури – тавсиф), «ўз фикрингни билдир, ўз муносабатингни билдир, вазиятни, ҳаракатни баҳола» (нутқ тури – мулоҳаза) коммуникатив йўналтирилган машқларнинг етакчи таркибий қисмидир.

Коммуникатив йўналтирилган вазифалар тизими ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Чигалёзди машқлар – бу синфдаги махсус иш шаклидир. Улар режалаштирилган дарс мақсадларига эришишда ёрдам беради. Коммуникатив ёндашувни жорий этишда ўқувчини ўқитувчи олдида қандай

килиб ўзини эркин тутишга, тортинчоқликни енгишга, диққатини тўплашга ва уни рус тилига қизиқтириш вазифаси туради.

Ўйинлар энг қадимги билимлар олиш усули бўлиб ҳисобланади. Эрта болаликдан бошлаб, катталар ҳаракатларига таклид қилиб, болалар турли хил ўйинлар ўйнайдилар. Бу уларни келажакдаги катталар ҳаётига тайёрлайди. Рус тили таълими тизимида ҳам ўйинлар муваффақиятли қўлланилмоқда. Бу жараёнда ўргатувчи, ривожлантирувчи, тарбия берувчи ва назорат қилувчи ўйинлар катта аҳамиятга эга.

Дарсликлар, ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалар ва ўқувчилар учун иш дафтарларини ўз ичига олган замонавий ўқув-методик мажмуалар дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва малакаларни ривожлантириш имконини беради. Аммо бу ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаол позицияси, уларнинг ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар билан ҳам тенг равишда ўзаро муносабатда бўлишига боғлиқдир. Рус тилини она тили бўлмаган ҳолда ўқитиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчини таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектларига айлантиради.

Тилларни ўқитиш тизимида технологияларни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнига коммуникатив йўналиш бериш жамиятнинг ижтимоий буюртмасига мос келади.

Бироқ рус тилини она тили бўлмаган тил сифатида ўқитиш жараёнига бир қатор объектив тўсиқлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

ўзбекзабон мактаблар учун рус тили дастури дастлаб рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун мўлжалланган дастурнинг соддалаштирилган версияси сифатида тузилган;

мавжуд амалиёт аниқ натижа – ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияни эгаллаш даражасини эмас, балки оралиқ кўрсаткичларни баҳолашга қаратилган;

дарсларда ҳали ҳам расмий, қатъий муҳит мавжуд.

«Мулоқот завқи» деб номланган технологиянинг илмий ва методик асосларини методика фанининг сўнгги ютуқлари ташкил қилади. Технологиянинг бошланғич нуқтаси нутқ фаолияти назариясига таянланганликдадир. Бунинг сабаби шундаки, биз она тилида сўзлашувчининг замонавий талаблар даражасида шаклланишини янги тилда фаолият олиб боришга қодир бўлган иккиламчи тил соҳибини шакллантиришга тенглаштирмоқдамиз. Ушбу технология параметрларини белгилашда коммуникатив фаолиятнинг шахсга йўналтирилган, интеграциялашган ва компетентлийлик ёндашувлари асосий омил сифатида қабул қилинди.

Тадқиқотни бажариш жараёнида ўмумтаълим мактабларида рус тилини ўргатиш учун ишлаб чиқилган *коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг функционал модели* ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг тажриба-синов даврида ўқув фаолиятини ташкил қилишда таянч бўлиб хизмат қилди (2-расмга қаранг).

Рус тилини ўқитишда ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг функционал модели



2-расм. Рус тилини ўқитишда ўмумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг функционал модели

Рус тили дарсларида ижодий иш муҳитини яратиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бунинг учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият субъектлари сифатидаги функциялари аниқланди. Уларнинг муносабатлари асоси сифатида ҳар бир ўқувчининг фикрини диққат билан тинглашни назарда тутувчи инсонпарварлик ёндашуви танланди. Бундай муҳитда ишлашда тил ва нутқдаги ноаниқликлар изоҳ беришга сабаб бўлмайди. «Мулоқот завқи» технологияси нутқ хатоларига алоҳида муносабатни назарда тутуди – бунда ноаниқликлар ва меъёрлардан четга чиқишлар эмас, балки рус тилида тўғри тузилган конструкциялар миқдори ҳисобга олинади. Жавоб жараёнида нутқдаги хато ва камчиликларни эълон қилиш, ўқувчида келажакда ташаббускор бўлишига тўсқинлик қилади, уни ўзини босиб тутишга ўргатиб кўяди.

Муаллифлик технологиясини лингводидактик асослашда етакчи маҳаллий ва хорижий методистлар, тилшунослар, психоллингвистлар ва психологлар томонидан таклиф қилинган самарали метод ва иш усуллари, рус тили ўқитиш бўйича тўпланган тажрибалар ҳисобга олинган.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб рус тилида мулоқот қобилиятларини эгалланган даражалари хизмат қилади. Ўқитувчилар тилни билиш ва коммуникатив кўникма ва малакаларни фарқлай олишлари керак. Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш ва мулоқот қобилиятларини эгаллаш фаолияти режалаштирилади.

Тажриба-синов даврида рус тили дарсларида «Мулоқот завқи» муаллифлик технологиясида кўзда тутилган ўқув топшириқлари, иш турлари кўлланилди. Экспериментал синфларда ўтказилган рус тили дарсларида биз «Мулоқот завқи» муаллифлик технологиясининг ўқув вазифалари, ишларни ташкил этиш шакллари, усулларида фойдаландик.

Ишлаб чиқилган муаллифлик технологияси, умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг функционал моделини самарадорлиги мактаб шароитида ўтказилган тажриба-синов ишларида синовдан ўтказилди.

Режалаштирилган тажриба-синов ишлари беш йил давомида амалга оширилди. 2017–2018 йилларда дастлабки босқич, 2018–2019 йилларда эса таъкидловчи босқич ташкил этилди. Тажриба-синовнинг шакллантирувчи ва якуний босқичлари 2019–2021 йилларда амалга оширилди. Ушбу босқич Андижон (Жалолқудуқ туманининг № 1, 45), Фарғона (Фарғона шаҳрининг № 3, 31) ва Наманган (Наманган шаҳрининг №12, Уйчи туманининг № 3) вилоятларидаги умумтаълим мактабларини қамраб олди. Тажриба-синов ишларига кўрсатилган мактабларнинг 325 нафар ўқувчилари ва 20 нафар ўқитувчилари жалб қилинди.

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясининг бошланғич даражаси таҳлил қилинди. Бунда 2-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга таянилади.

**Ўқувчиларнинг норматив ҳужжатларда берилган коммуникатив
компетенциясини аниқлаш мезонлари**

Коммуникатив компетентлик кўрсаткичи	Даражага мувофиқлик	Коммуникатив компетенцияни аниқлаш мезонлари
Юқори	B1+	Нутқни тушуниши ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиши мумкин; ўз фикрларини ифода этишни билади; суҳбатни бошлаш, давом эттириш ва якунлашни билади; олинган маълумотларга ўз муносабатини билдира олади; нутқ одоби қоидаларига риоя қилади
Ўрта	B1+	Нутқни тушуниши ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиши мумкин, аммо бунинг амалга оширишда қийналади; ўз фикрларини заиф ифода этади; суҳбатни бошлаш, давом эттириш ва якунлашни имконига эга эмас; нутқ одоби қоидаларига ҳар доим ҳам риоя этавермайди
Паст	B1+	Унга қаратилган нутқни тушунмайди; ўз фикрларини ифода эта олмайди

Олинган натижалар ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетенция даражаси бўйича таълим стандартлари талабларидан орқада қолишларини кўрсатди. Дастлабки босқичда ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбатлар ҳамда семинарлар ўтказилди. Таъриба-синов ишларига жалб қилинган ўқитувчилар ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришдаги асосий қийинчиликлар сифатида тил муҳитининг етишмаслиги, мактабда рус тили дарслари учун ажратилган дарс соатларининг етарли эмаслиги, дарсликларнинг номукамаллигини ва ўқувчиларнинг мотивацияси пастлигини кўрсатдилар.

Таъриба-синов ишларини ташкил қилишда биз рус тилини ўқитишнинг якуний натижаси қуйидаги бир қатор омилларга боғлиқлигини ҳисобга олдик:

сарфланган ўқиш вақтининг миқдори;

ўқитувчиларнинг ўқитишга коммуникатив ёндашув талабларига тайёрлиги;

синфда бажариладиган ўқув вазифалари ва машқларнинг миқдори, сифати ва мақсадга мувофиқлигида ўз ифодасини топади.

Якуний натижанинг етарли даражасига эришиш учун биз ўқитувчиларга ўқув вақтини оқилона ажратишни, ўқувчиларга мулоқот қилиш имкониятини беришни тавсия қилдик. Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда ўқитувчилар синфда ўзлари гапирадилар, ўқувчилар эса пассив тингловчига айланиб қоладилар.

